



Газета 1966 йил  
1 шолдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 22 (13.869)

Баҳоси эркин нарҳда

## ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ ВА ҲУДУДЛАРДА ЭКСПОРТ ҲАЖМИНИ ОШИРИШ ВАЗИФАЛАРИ БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев раислигида 6 февраль куни иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларда экспорт ҳажмини ошириш борасидаги энг муҳим вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.**

Унда Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, видеоконференцалоқа орқали Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳақориёти, йирик компаниялар вакиллари, элчилар иштирок этди.

Экспорт – иқтисодиёт барқарорлигининг асосий омили. Валюта захираларини кўпайтиришнинг ягона йўли ҳам экспорт ҳажмини кескин оширишдир.

Мамлакатимизда экспорт фаолиятини энгиллаштириш ва қўллаб-қувватлаш борасида кўрилатган чоралар натижасида ўтган йилда экспорт ҳажми 14 миллиард 258 миллион долларни ташкил этиб, 13,6 фоизга ўсган.

Кейинги икки йилда экспорт географияси 50 та давлатга кенгайиб, 140 тага етган. Экспортга 120 та янги турдаги маҳсулот чиқарилган. Экспорт таркибида тайёр маҳсулотлар улуши 56 фоизни ташкил этиб, ҳудудий саноат экспортни қарийб 1,7 баробар ўсган. Бироқ шунга қарамай, ҳали ҳам мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятидан тўлиқ фойдаланилмапти.

Йиғилишда Президентимиз экспортбон маҳсулотлар таркибини диверсификация қилиш, экспортда хом ашё бўлмаган маҳсулотлар улушини камида 60 фоизга етказиш зарурлигини таъкидлади. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикасининг 2019–2025 йилларга мўлжалланган миллий экспорт стратегиясини ишлаб чиқиш бўйича топириқ берди.

Мазкур стратегия экспортёрларга кўрсатилаётган давлат хизматларини тўлиқ электрон шаклга ўтказиш, уларни молиявий қўллаб-қувватлаш, мамлакатимизни "Doing Business" рейтингига "ташқи савдо" кўрсаткичи бўйича юқори 50 та давлат қаторига киритиш масалаларини қамраб олади. Хориж тажрибасидан келиб чиқиб, экспорт қилувчилар фаолиятини мувофиқлаштириш, уларга ҳар томонлама қўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон экспортёрлар ассамблеяси ташкил этилди.

Видеоселектор йиғилишида экспортни кўпайтиришда йўл қўйилган қамчиликларни бартараф этиш, бу борадаги ишларни жонлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўтган йили ҳудудий экспорт прогнози баҳарилмагани, айниқса, Кашкадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Жиззах, Наманган вилоятлари ва Тошкент шаҳрида бу борада суст-қашликка йўл қўйилгани қайд этилди. Ҳудудий мева-сабзавот экспортни прогноздан анча кам бўлгани, бирорта ҳудудда бу борадаги режа баҳарилмагани таъкид қилинди.

Албатта, экспорт жaxon бозоридаги конъюнктурага ҳам боғлиқ. Хорижий экспортлар жорий йилда ҳам асосий хом ашё маҳсулотларининг жaxon бозоридаги нархлари паст бўлишини прогноз қилмоқда. Шу боис, 2019 йилги экспорт прогнози ўтган йилдаги нисбатан 30 фоизга қўп этиб белгиланди.

Давлатимиз раҳбари экспорт прогнозини таъминлашни аниқ ҳисоб-китоб асосида ташкил этиш, бу борада янги тизимни йўлга қўйишни тақдир қилди. Унга мувофиқ, аввало, Республика экспорт штаби фаолиятини тубдан такомиллаштирилди. Штаб вакиллари Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларга бириктирилди.

Шунингдек, Бош вазир ўринбосарлари ва маслаҳатчилари ўзлари мутасаддилик қиладиган вазирлик ва идоралар

ҳамда ҳўжалик билрлашмалари томонидан экспорт прогнози баҳариллиши учун шаҳсан жавобгар этиб белгиланди.

Республика экспорт штаби, Бош вазир ўринбосари ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги тармоқлар ва ҳудудлар бўйича ўн кунлик экспорт жадвалларини ишлаб чиқиб, тузилган экспорт шартномаларини сўзсиз баҳарилш ҳамда қўшимча қилишувлар имзолаш чораларини кўради.

Иккинчидан, ҳар бир вилоят, туман ва шаҳарда экспорт бўйича доимий ишлайдиган штаблар ташкил этилади. Улар маъсулликда экспортбон маҳсулотлар экиш, ҳўжаликларни сифатли уруғ ва кўчат билан таъминлаш, ҳосилни нест-нобуд қилмасдан йиғиб олиш, саралаш, қадоқлаш, сақлаш ва қайта ишлаш, маҳсулотларни ташқи бозорга чиқаришга-ча бўлган яхлит тизим йўлга қўйилади. Шунингдек, ушбу штаблар ички ва ташқи логистика, сертификация масалаларига, кичик бизнес субъектларининг экспортини кўпайтириш, керак бўлса, айланма маблағлар учун кредитлар ажратилишига қўмаклашади.

Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, ҳар бир вилоят, туман ва шаҳар штаблари таркибига иқтисодиёт, қишлоқ ҳўжалиги, транспорт, энергетика, божхона, стандартлаштириш, карантин бўйича республика идоралари, шунингдек, Савдо-саноат палатасининг жойлардаги бошқарма ва бўлимлари ҳамда тижорат банкларидаги вакиллар киритилади. Йиғилишда ҳудуддаги штаблар экспортёрлар билан доимий равишда ишлаши, муаммоларни тезда ҳал қилиб боришлари зарурлиги таъкидланди. Амалга оширилаётган ишлар натижалари онлайн маълумотлар базасига киритилиб, назорат қилиб борилади.

Учинчидан, вазирлар ва ҳўжалик билрлашмалари раҳбарлари ўз йўналишидаги корхоналар бўйича экспорт прогнози баҳариллиши учун жавобгар бўлади.

Мисол учун, "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмаси кластерларда пахта хом ашёсини етиштиришдан тортиб, уни чўқур қайта ишлашга, республика бўйича барча тўқимачилик маҳсулотлари экспортга маъсул бўлади.

Шу боис, тармоқларда замонавий технологияларни жалб этган ҳолда, юқори қўшимча қийматли товарлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш зарурлиги таъкидланди.

Тўртинчидан, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Экспортни қўллаб-қувватлаш миллий тизимини самарали ишга солиб, корхоналарга ташқи бозорга чиқишга қўмаклашади, уларни молиявий қўллаб-қувватлаш ва сўғурталаш чораларини кўради. Ушбу тизим фаолият экспорт штаблари билан ҳамкорликда йўлга қўйилиши, энг муҳими, корхоналар бу тизим самарасини сезиши лозимлиги қайд этилди.

Бешинчидан, экспортни таъминлашда барча вазирлик ва идоралар бевосита катнашади. Жумладан, Ташқи ишлар, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирликлари элчилар билан биргаликда хорижий давлатлардаги бозор талаблари ва буюртмачиларни аниқлаб, экспорт штабларига мунтазам тақдим этиб боради.

Ҳудудларга бириктирилган элчилар ҳўкимликларга ташқи бозорда харидор топиш ҳамда маҳаллий корхоналарни хорижий давлатлардаги кўргазмаларга юборишга қўмаклашади. Олтинчидан, транспорт ва логистика хизматларини яхшилашга катта эътибор қаратилади.

Маълумки, бу борада 20 дан ортиқ халқаро транспорт коридори ва йўналишлари йўлга қўйилган, автомобилда халқаро юк ташқи бўйича 30 давлат билан ҳамкорлик ўрнатилган. Лекин логистика ва йўл инфратузилмаси, чегара божхона пунктлари қуввати ўсиб бораётган транзит талабларига тўла жавоб бермапти.

Мутасаддиларга логистика марказлари ва йўлбўйи инфратузилмасини янада ривожлантириш, чегара-божхона пунктларининг техник ҳолати ва ўтказувчанлик қобилиятини яхшилаш, транспорт воситалари ва юкларни расмийлаштиришда ахборот технологияларини кенг жорий қилиш юзасидан топириқлар берилди.

Самолётда йўловчи ва юк ташқи учун тариф сиёсатини оптималлаштириш, хусусий операторларга вагонлар паркин ташкил этишда қўмаклашиш, транзит давлатлардан чегирмалар олиш ва экспортёрларга татбиқ этиш вазифалари қўйилди.

Еттинчидан, экспорт товарларини стандартлаштириш ва сертификатлаш талаб даражасида эмаслиги, ақсарият стандартлар жаҳон андозаларига мос келмаслиги уларни экспорт қилишда жиддий қийинчиликлар туғдирмоқда. Шу боис, "Ўзстандарт" агентлигига манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда сертификатлаш ва стандартлаштириш бўйича мавжуд қамчиликларни бартараф этиш топирилди.

Йиғилишда мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилишни самарали ташкил этиш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Шу йўналишга ихтисослаштирилган 67 та туманда эканларни оптимал жойлаштириш, етиштирилган мева-сабзавотларнинг камида 25 фоизини экспортга йўналтириш зарурлиги таъкидланди.

Мазкур туманларда мева-сабзавотчилик кластерлари ташкил этиш, шундай маҳсулотларни қайта ишлайдиган замонавий корхоналарни кўпайтириш юзасидан тавсиялар берилди.

Ҳамма аниқ билиши керак. Экспортбон сифатли мева-сабзавотлар етиштирилмас ва хорижа йил давомида етказиб берилмас, экспортни кескин ошириб бўлмайдди, деди Шавкат Мирзиёев.

Мева-сабзавот маҳсулотлари экспортёрларига энгиллик яратиш мақсадида Қозоғистон, Қирғизистон, Беларусь ва Болтиқбўйи давлатлари билан "яшил йўлак" тизимини жорий қилиш, карантин хизматларидан белгиланган тартибда руҳсатнома олиш орқали Хитой, Жанубий Корея, Япония, Хиндистон, АҚШ ва Европа бозорига кириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда яна бир долзарб вазифа – хизматлар экспортини кенгайтириш, айниқса, туризмни ривожлантириш истикболлари ҳақида ҳам сўз юритилди. Макроиқтисодий барқарорлик қўп жиҳатдан импортни тартибга солишга ҳам боғлиқ экани таъкидланди, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, импортнинг тариф ва нотариф бошқарув сиёсатини такомиллаштириш масалаларига эътибор қаратилди.

Видеоселектор йиғилишида муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасадди раҳбарларнинг ҳисоботи эшитилди.



● Ўзбекистон Республикаси Президентининг Навоий вилояти туман ва шаҳарларидаги Халқ қабулхоналарига маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 10 та "Cobalt" русумли энгил автомобилари берилди.

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази Наманган вилояти бошқармаси томонидан "Фаровон оила – жамият тараққиёти асоси" мавзусида матбуот анжумани ўтказилди. Тадбирда Тўрақўрғон туманида ўтказилган тарғибот ўн кунлигининг яқуний натижалари ҳамда бошқарманинг умумий фаолияти юзасидан ҳисоботи эшитилди.

● Жиззах шахрининг Алишер Навоий номидаги маҳалласида 120 ўринли "Smart Kids" деб номланган хусусий мактабгача таълим муассасаси иш бошлади. Умумий қиймати 6 миллиард 600 миллион сўм бўлган ушбу лойиҳани амалга оширишда 2 миллиард 767 миллион сўмлик банк кредитидан ҳам фойдаланилган бўлиб, замонавий услубда барпо этилган иншоотда дам олиш, ўйин хоналари, ошхона, сайроғоҳ ва спорт майдончалари барча зарур жиҳозлар билан тўлиқ таъминланган.

● Фарғона, Қувасой шаҳарлари ва Фуркат туманида болаларни бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёрлашни жорий этиш бўйича тажриба лойиҳасини амалга ошириш бошланди.

● Андижон вилояти туман, шаҳар Халқ қабулхоналарига "Cobalt" русумли хизмат автомобилларини топширилди. Халқ қабулхоналарининг хизмат автомобиллари билан таъминланиши, шубҳасиз, улар фаолияти самарадорлигини янада оширишга, айниқса, чекка қишлоқларга бориш ва у ерда истикомат қилаётган юртдошларимиз муаммоларини ҳал этиш имкониятини кенгайтиради.



● Марказий Африка Республикаси маъмурлари 14 та куролли гуруҳлар билан мамлакатда тинчликни таъминлаш юзасидан ўзаро келишиб олдилар.

● Хиндистон шарқидаги Бихар штатида ҳаракатланаётган 11 та вагонли тезюрар йўловчи поездининг издан чиқиб кетиши натижасида 7 нафар йўловчи ҳалок бўлди, 30 дан ортиқ одам турли даражадаги тан жароҳатларини олди. Ҳозирда ИТХ сабаблари аниқланмоқда. Маълумотларга қараганда у рельснинг ёрилиб кетиши натижасида рўй берган.

● Жанубий ва Шимолий Европани ўзаро боғловчи Италия ва Австрия давлатлари чегарасида кучли қор ёғиши ва кучли совуқ натижасида узунлиги 16 километрлик транспорт тирбандлиги юзага келди.

## МАҲАЛЛА РАИСЛАРИ ЭНДИ УЧ ЙИЛДА САЙЛАНАДИ

**Пойтахтимизда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ қабул қилинган қонун нормаларини ёритиш масалалари юзасидан оммавий ахборот воситалари ходимлари учун ўқув-семинар ташкил этилди.**

Конституциямизнинг 105-моддасида "Шаҳарда, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда фуқаролар йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатда оқсоқолни сайлайди", деб белгилаб қўйилган.

Маҳалла жамият бошқарувининг халқ қадриятларига асосланган тизим сифатида ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларда қатор вазифаларни самарали амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади. Ушбу тизимга доир қўллаб қўнгунчилик ҳўжатларининг қабул қилиниши унинг ташкилий-ҳўқуқий асосларини янада такомиллаштирди.

Семинарда Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 15 октябрдаги "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида"ги ва "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳўжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги қонунлари юзасидан маълумотлар берилди.

Олдинги қонун фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) билан бир вақтда унинг маслаҳатчисини ҳам сайлашни назарда тутар эди. Раиснинг ваколат муддати 2,5 йил бўлиб, бу муддат уларга ўз билим ва бошқарув қобилиятини тўлиқ намоён этишга имконият берилаётган эди. Шунингдек, раислар фуқаролар вакиллари йиғилиши томонидан сайланарди. Бунда сайловчилар номидан атиги 50-80 нафар вакил овоз беради. Бошқа фуқаролар баъзан бундан беҳабар қўлабтан, ўз фик-

рини билдира олмаётганди. Яна бир жиҳати шунда эдики, сайлов очик овоз бериш йўли билан ўтказилгани боис, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродаларини эркин билдириш имконияти чекланганди.

Қонундаги ўзгаришлар натижасида маслаҳатчиларнинг раис (оқсоқол) билан бир вақтда сайланишининг олди олинди. Унинг ваколат муддати 2,5 йилдан 3 йилга узайтирилди. Вакилликнинг минимал нормаси белгиланди, яъни у сайловчиларнинг 12 фоизидан кам бўлмашлиги тартиби ўрнатилди. Эндиликда Олий Маҳлиси Сенати Кенгаши томонидан фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга қўмаклашувчи алоҳида республика комиссияси тузилади. Бундан кейинги сайловларда яширин овоз берилади.

Фуқаролар йиғини раиси сайловини ташкил этиш ва ўтказиш, фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) ўтказиладиган сана, вақт ва жой, фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодлар тўғрисида ахборот Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар фуқароларининг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича кенгашларининг расмий веб-сайтидаги сайлов ўтказилишидан камида беш кун олдин жойлаштирилади.

Ўқув-семинарда қайд этилишича, эндиликда ҳар уч йилда бир ўтказиладиган сайловлар фақат май ойида бўлади. Шунингдек, бу жараёндаги бошқа ўзгаришлар ҳақида ҳам тўлиқ маълумот берилди.

Барно МЕЛИКУЛОВА

## ТАДБИРКОРЛИК ВА БАНК СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Халқаро пресс-клубнинг "Ўзбекистонда тадбиркорлик ва банк соҳасидаги янги ислоҳотлар: 2019 йилнинг муҳим вазифалари, муаммоларнинг очик таҳлили ва замонавий ечимлар" мавзусидаги сессияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлиси Мурожаатномасидан ўрин олган масалаларга бағишланди.**

Сессияда соҳага оид ўзгаришлар, мутасадди ташкилотлар олдида қўйилган мақсад ва режалар, вазифалар хусусида тўхталиб ўтилди. Хусусан, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бугунги кунда банк тизимидаги энг асосий муаммо – улар капиталнинг асосий қисми, яъни 83 фоизи давлатга тегишли эканлиги ва бу, ўз навбатида, банк секторига соғлом рақобатга тўсик бўлиб, хизмат кўрсатиш сифатига салбий таъсир қўлаётганидир.

– Президентимиз Мурожаатномасидан келиб чиқиб, олдимизга 4 та асосий устувор йўналиш белгилаб олинган, – дейди ўЗА муҳбирига Марказий банк бошқарув раиси Мамаризо Нурмуратов. – Биринчиси, нарҳлар барқарорлигини таъминлаш, боси инвестицияларнинг жалб этили-

ши ҳам макроиктисодий барқарорликка боғлиқ, Иккинчиси, валюта сиёсатини янада эркинлаштириш. Учинчидан, банк-молия тизимидаги ислоҳотларни янада жадаллаштириш, соҳага замонавий бозор механизмларини жорий этиш, банкларни барқарорлаштириш. Тўртинчи йўналиш – банк билан миқоз, тадбиркор билан мулоқотни кунайтириш. Соҳадаги муҳим вазифалардан яна бири банк хизматлари маданиятини ошириш, инсон омили ролини камайтиришдир. Биз барча тижорат банклари менежменти, хизмат кўрсатиш механизмларини ўзгартирмоқчимиз.

Сессияда журналистлар ҳамда телефон ва интернет орқали йўланган аҳоли вакиллари-нинг саволларига жавоб берилди.

Инобат АХАТОВА

## ҚИСКА САТРАЛДАР

- Тошкент темир йўл муҳандислари институтини Миробод тумани ҳўкимлиги ташаббуси билан "Биз жиноятчиликка қаршимиз!" деб номланган тарғибот тадбири бўлиб ўтди.
- Пойтахтимизда атом электр станцияси қурилишига бағишланган семинар ўтказилди. Атом энергияси бўйича халқаро

агентлик ва "Ўзатом" агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда маҳаллий мутахассислар ва "Росатом" давлат корпорацияси вакиллари иштирок этди.

● Пойтахтимиздаги "Hyatt Regency Tashkent" меҳмонхонасида "Юксалиш" умуммиллий ҳаракатининг расмий тақдироти бўлиб ўтди. Унда ташкилотнинг фаолият йўналишлари, қандай лойиҳаларни

амалга ошириши ҳақида маълумот берилди.

● Мирзо Улуғбек туманида жойлашган кичик саноат зонасида "INFINITY BUSINESS TRADE" корхонасининг очилиш маросими ўтказилди.

● Пойтахтимизда уч кун давомида "Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни" III халқаро конференцияси бўлиб ўтди.

Бугунги кунда бутун дунёда рўй бераётган туб ўзгаришлар, манзараси кун сайин ўзгариб бораётган беқарор геосиёсий вазият, тобора чуқурлашиб бораётган глобаллашув шароитида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини амалда таъминлаш дунё ҳамжамияти олдида ўта долзарб вазифалардан бирига айланиб бормоқда.



Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар, шиддатли тус олган кенг қўламли ислохотлар замирида инсон манфаатларини ҳимоя қилиш масаласи ётади. "Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун" деган инсонпарвар тамойил давлат ва жамият ҳаётида бош ғояга айланган. Шубҳасиз, буни амалда таъминлаш учун давлат ва жамият ҳаётида адолат қарор топтоми керак.

Давлатимиз раҳбари ўзларининг кўплаб маъруза ва чиқишларида инсон қадр-қимматини эъзозлаш, бунинг учун ҳар қандай ҳолатда ҳам адолатли қарор топтиришга қодир бўлган мустақил одил судлов тизимини шакллантириш лозимлигига алоҳида урғу қаратади. Президентимиз таъбири билан айтганда, "одил судлов тизимини шакллантириш биз учун ўтган икки йил давомида энг устувор вазифага айланган".

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида гоёт қисқа муддат ичида мутлақо янги адолатли суд тизимини шакллантиришга қаратилган ислохотлар амалга оширилди. Мана шу ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида 2019 йилнинг 6 январь кунини Ўзбекистон суд тизими тарихида биринчи марта Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан имзоланган "Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузурида Судьялар олий мактаби ташкил этилди.

Ушбу қарорнинг мазмун-моҳиятини ҳамда Судьялар олий мактабининг ташкил этилишидан қўзғалган асосий мақсад ва унинг вазифаларини кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида яқинда Судьялар олий мактабининг расмий тақдирот маросими бўлиб ўтди.

Тақдирот маросимида бир қатор хорижий мамлакатларнинг элчихоналари ҳамда халқаро ташкилотларнинг мутасаддилари, Ўзбекистон Парламенти аъзолари, Судьялар олий кенгаши, Олий суд ва Конституциявий суд судьялари, Бош прокуратура, вазирлик ва идоралар, олий ўқув муассасалари, шунингдек, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Газетамизнинг бугунги сонида ушбу тадбир тафсилотлари ва янги ташкил этилган Судьялар олий мактаби олдида турган муҳим вазифалар тўғрисида баъзи бир хорижий экспертлар ҳамда Судьялар олий кенгаши мутасаддиларининг фикр-мулоҳазалари билан яқиндан танишасиз.

**Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раиси Убайдулла МИНГБОЕВ:**

Мамлакатимизда чинакам мустақил суд ҳокимиятини шакллантириш, суднинг нуфузини ошириш, одил судловни амалга оширишда қонунийликни таъминлаш мақсадида ташкил этилган Судьялар олий мактаби судьялар корпусини шакллантиришнинг бугунги кун талаблари даражасида бўлиши учун муҳим аҳамият касб этади.

Судьялик лавозимларига номзодларни қабул қилиш 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб фақат судьялик лавозимини захирасида бўлган шахслар орасидан танлов асосида амалга оширилади.

Бўлажак судьяларни ўқитиш грант асосида судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсларида бир йиллик магистратура таълим дастури бўйича амалга оширилади.

Шунини диктатга сазоворки, судьялик лавозимига номзодлар асосий иш жойи бўлишига соҳасида яна бир катта қадам ташлашиши деб ҳисобланиши керак.

Айниқса, бугунги кунда инсон ҳуқуқларини амалда таъминлаш масаласида жиддий муаммолар пайдо бўлаётган бир пайтда, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳар бир замонавий демократик давлат, ривожланган эркин жамият учун энг асосий вазифа ҳисобланади. Айтиш кераки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан юрифтаётган сиёсат, Харажатлар стратегияси асосида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар марказида ҳам, аввало, инсон манфаати, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсади мўжассам.

Фурсатдан фойдаланиб айтимоқчиманки, фаолияти энди бошланган Судьялар олий мактаби билан биз ҳар томонлама амалий ҳамкорлик қилишга тайёрмиз. Ҳаммаизнинг мақсадида муштарак, сийраимизда яшаётган ҳар бир инсоннинг, у қаерда туғилгани, яшаётгани, қайси миллатга мансублиги, қандай тилда сўзлашиши, диний эътиқодидан қатъи назар, бир хил ҳуқуқ ва эркин-

зими ва ўртача ойлик иш ҳақи сақланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, Олий мактабда судьяликка номзодларнинг назарий билимлардан ташқари касбий этика, психология, ишчанлик мулоқоти ва вақтни бошқариш амалиёти, музокаралар олиб бериш тактикаси, ахборот билан ишлаш технологияси, ҳуқуқ нормаларини қўллаш ва шарҳлаш қўникмаларини егаллашлари алоҳида эътибор қаратилади.

Бундан ташқари тингловчиларнинг судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда, ҳатто хорижий давлатларда амалиёт ўташлари кенг эътибор қаратилади.

Мазкур вазифалар бажарилишини таъминлаш мақсадида Олий мактаб ва унинг ҳодимларига кенг ваколатлар берилгани, моддий ва ижтимоий таъминоти бўйича улар судьялар ва суд ҳодимларига тенглаштирилгани ҳам таъкидлаш лозим.

Ўқув юртида 5 та: фуқаролик ҳуқуқи, иқтисодий ҳуқуқ, жиноят ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ ҳамда касбий қўникмалар кафедралари фаолият қўрсатади.

**Джон МАКГРЕГОР – Европада ҳафсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Ўзбекистондаги элчиси, Миссия раҳбари:**

## СУДЬЯЛАР ОЛИЙ МАКТАБИ: ЯНГИ МАҚСАД, ЯНГИ ВАЗИФА

– Ҳақиқатан ҳам, бугун Ўзбекистон суд тизимида унутилмас воқеа, муҳим кун сифатида тарихда қолади. Сабаби, бугун ҳаммамиз жуда катта қизиқиш билан иштирок этаётганимиз, суд-ҳуқуқ тизимида мутлақо янги таълим муассасаси Судьялар олий кенгаши ҳузурида Судьялар олий мактаби тақдироти ўтказилди.

Мазкур янги илмий-тадқиқот муассасаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузурида Судьялар олий мактаби ташкил этилган.

Дунё таърибига эътибор қаратадиган бўлсак, инсон ҳуқуқларини амалда таъминлашда мустақил суд ҳокимиятининг ўрни бекиёс. Шунинг учун, қўлгина ривожланган демократик давлатларда суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигига, судьяларнинг ҳар томонлама билими ва оқсак салоҳияти бўлишига жиддий эътибор қаратилади. Қайсидир мамлакатда судьяларни тайёрлаш бўйича академия бўлса, яна қайсидир давлатда бу мактаб деб юрилади. Лекин, моҳият нуктаи назардан бу судьялар корпусини оқсак салоҳияти мутахассислар билан тўлдирish учун ҳизмат қилади.

Судьялар олий мактаби фаолиятининг бошланиши Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, унинг қонуний манфаатларини амалда таъминлаш соҳасида яна бир катта қадам ташлашиши деб ҳисобланиши керак.

Айниқса, бугунги кунда инсон ҳуқуқларини амалда таъминлаш масаласида жиддий муаммолар пайдо бўлаётган бир пайтда, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳар бир замонавий демократик давлат, ривожланган эркин жамият учун энг асосий вазифа ҳисобланади. Айтиш кераки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан юрифтаётган сиёсат, Харажатлар стратегияси асосида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар марказида ҳам, аввало, инсон манфаати, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсади мўжассам.

Фурсатдан фойдаланиб айтимоқчиманки, фаолияти энди бошланган Судьялар олий мактаби билан биз ҳар томонлама амалий ҳамкорлик қилишга тайёрмиз. Ҳаммаизнинг мақсадида муштарак, сийраимизда яшаётган ҳар бир инсоннинг, у қаерда туғилгани, яшаётгани, қайси миллатга мансублиги, қандай тилда сўзлашиши, диний эътиқодидан қатъи назар, бир хил ҳуқуқ ва эркин-

ликларга эга экани тўғрисидаги халқаро принципдан келиб чиқиб, шунга эришишимиз.

Судьялар олий мактабининг олдида жуда катта маъсулиятли вазифалар турибди. Ушбу вазифаларни самарали амалга оширишда муваффақиятлар тиламан.

**Ҳокиммурод ИСОКОВ, Судьялар олий мактаби директори:** – Дастлаб, алоҳида таъкидлашни истардимки, давлатимиз раҳбари томонидан 2019 йил 6 январда имзоланган "Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан белгиланган муҳим вазифаларни амалга ошириш Судьялар олий мактаби жамоаси олдида жуда катта маъсулият юклайди.

Ҳар ҳолда, шу кунгача миллий амалиётда судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш борасида бундай илмий таълим ва тадқиқот муассасаси мавжуд эмас эди.

Қарорда янги ташкил этилган Судьялар олий мактаби фаолияти энг ривожланган демократик мамлакатлардаги илгор таъриб билан ҳаммаиқ тарзда бўлиши вазифаси белгиланди. Бунинг учун, шу соҳадаги машҳур, таърибали хорижий эксперт олимларни ҳам дарс жараёнларига жалб этиш масаласи ҳам кўзда тутилган.

Қарорда янги ташкил этилган Судьялар олий мактаби фаолияти энг ривожланган демократик мамлакатлардаги илгор таъриб билан ҳаммаиқ тарзда бўлиши вазифаси белгиланди. Бунинг учун, шу соҳадаги машҳур, таърибали хорижий эксперт олимларни ҳам дарс жараёнларига жалб этиш масаласи ҳам кўзда тутилган.

Қарорда янги ташкил этилган Судьялар олий мактаби фаолияти энг ривожланган демократик мамлакатлардаги илгор таъриб билан ҳаммаиқ тарзда бўлиши вазифаси белгиланди. Бунинг учун, шу соҳадаги машҳур, таърибали хорижий эксперт олимларни ҳам дарс жараёнларига жалб этиш масаласи ҳам кўзда тутилган.

Судьялар олий мактаби тингловчилари ҳар томонлама оқсак савияда ўқитилиши учун ҳам моддий, ҳам маънавий томондан барча имкониятлар яратилмоқда.

Қарорда янги ташкил этилган Судьялар олий мактаби фаолияти энг ривожланган демократик мамлакатлардаги илгор таъриб билан ҳаммаиқ тарзда бўлиши вазифаси белгиланди. Бунинг учун, шу соҳадаги машҳур, таърибали хорижий эксперт олимларни ҳам дарс жараёнларига жалб этиш масаласи ҳам кўзда тутилган.

Судьяликка номзодларни танлаб олиш, ўқув жараёнини ташкил этишини янгича тизими, инновацион педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда интерфасил ўқитиш усуллари жорий этилади. Тингловчиларда назарий билим билан бирга касбий этика, психология, нотиклик санъати, ишчанлик мулоқоти, вақтни бошқариш илми, музокаралар олиб бериш тактикаси, ахборот билан ишлаш технологияси, таҳлил қилиш, ҳуқуқ нормаларини қўллаш ва шарҳлаш қўникмаларини ҳосил қилишга алоҳида аҳамият берилди.

Ўқориди таъкидлаб ўтганимдек, ўқув жараёнидаги машғулотларнинг таъсирчан, жонли ва қизиқарли қилиши учун дарсларга энг етук олимлар, амалиётчилар, шу жумладан хорижий таълим мутахассислар жалб қилинади.

**Тақдирот маросимида маърузачилар томонидан таъкидланганидек, Судьялар олий мактабининг самарали фаолият юритиши учун барча ҳуқуқий, моддий ва ташкилий асослар яратилди. Амалий нуктаи назардан мутлақо янги таълим муассасасининг қандай ишлаши Олий мактаб раҳбарияти, профессор-ўқитувчилари ва ходимларига боғлиқ. Улардан алоҳида қатъият, ташаббускорлик ва фидойилик талаб этилади...**

**Давра суҳбатини Арслон ЭШМУРОДОВ тайёрлади**

## Миробод тумани ҳокимининг ҚАРОРИ

### МИРОБОД ТУМАНИНИНГ 2019 ЙИЛГИ МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТИ ПАРАМЕТРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг ("Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўғрисида", 2013 йил 31 декабрь, 52-(I)-сон) 28, 99-моддалари, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда;) 25-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2018 йил 13 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жағғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида"ги СҚ-348-III-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга мўлжаллари тўғрисида"ги СҚ-4086-сонли қарори, халқ депутатлари Тошкент шаҳри Кенгашининг 2018 йил 26 декабрдаги "Тошкент шаҳрининг 2019 йилги маҳаллий бюджетни даромадлари ва харажатлари ҳажмлари тўғрисида"ги 402/46-5-сонли қарори, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2018 йил 27 декабрдаги "Тошкент шаҳрининг 2019 йилги маҳаллий бюджетни параметрлари тўғрисида"ги 1865-сонли қарори, халқ депутатлари Миробод тумани Кенгашининг 2018 йил 27 декабрдаги 130/20-1-сонли қарори ҳамда Тошкент шаҳар Молия Бош бошқармасининг 2018 йил 27 декабрдаги 02-4-сонли хатига асосан,

#### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджетни параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга мўлжаллари тўғрисида"ги ПҚ-4086-сонли қарорига асосан халқ депутатлари Миробод тумани Кенгашининг 2018 йил 27 декабрдаги 130/20-1-сонли қарори билан қабул қилинган Миробод туманининг 2019 йилги маҳаллий бюджетни даромадлари ва харажатлари ҳажмлари икки ўн қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар: Миробод туманининг 2019 йилги маҳаллий бюджетни асосий параметрлари 1-иловага мувофиқ;

Миробод туман маҳаллий бюджетларининг 2019 йил даромадлари ва харажатлари, шаҳар маҳаллий бюджетидан туман маҳаллий бюджетига ажратилмаган мақсадли ижтимоий трансфертлар миқдори 2-иловага мувофиқ;

Давлат солиқларидан шаҳар ва туман маҳаллий бюджетларига ажратмалар меъёри 3-иловага мувофиқ;

Миробод туман маҳаллий бюджетларининг 2019 йил учун нақд пул касса айланмасининг йўл қўйиладиган энг кам миқдорлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Миробод тумани Молия бўлимига Тошкент шаҳар Молия Бош бошқармасининг билдирिशномасига қўра, бюджетнинг харажат қисмига ўзгартиришлар киритишга рўхсат беришсин;

4. Мазкур қарор "Тошкент оқшони" ва "Вечерний Тошкент" газеталарида эълон қилинсин ва <http://mirobod.uz> веб-сайтига joyлаштирилсин.

5. Мазкур қарор расмий эълон қилинган қундан эътиборан қучга қиради.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Миробод тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Салайдинов зиммасига юклатилсин.

**Миробод тумани ҳокими Ш. Пулатов**

2019 йил 4 январь

## Хабарлар

### ИНВЕСТОР КУНИ

Авал хабар берилганидек, Тошкент шаҳар ҳокимлигида ўтказилган "Инвестор куни" тадбирида саноат йўналишида (ишлаб чиқариш) фаолият олиб бориш истистада бўлган 70 дан ортиқ инвесторлар ўз лойиҳалари билан иштирок этиди. Ўрганиш натижаларига қўра истиқболли деб топилган лойиҳа ағзаларига иш фаолиятларини бошлашлари учун Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан барча йўналишларда амалий ёрдам берилди.

### ЁШ СПОРТЧИЛАР ЎЗАРО БЕЛЛАШДИ

Бектемир туманида "Спорт – соғлом келажақ гарови!" широи остида қаратэ ва юнон-рум қураши бўйича мусобақа ўтказилди. Мусобақа ёш авлодининг қаратэ ва юнон-рум қураши спорт турлари билан шугулланишлари ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилди. Унда пойтахт ва Тошкент вилояти туманларидан 150 га яқин умидли спортчилар ўзаро беллашди.

– Мусобақада қатнашиб янги дўстлар орттирдим. Келажақда жаҳон чемпиони бўлиб байроғимизни баландларга қўтаришни хоҳлайман – дейди иштирокчи Жавлон Отабеков.

Мусобақа сўнггида голиб ва совриндорларга диплом ва эсдалик совғалари тақдим этилди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати**

## УЧ ЯРИМ МИНГ БУХГАЛТЕРГА ЭҲТИЁЖ БОР...

Бугун солиқ хизмати органлари текширувчи эмас, инсофли солиқ тўловчиларнинг яқин кўмақчисига айланмоқда. Хусусан, Тошкент шаҳар давлат солиқ хизмати органлари томонидан жойларда семинар-тренинг, солиқ мулоқот ва давра суҳбатлари ўтказилиб, солиқ қонунийлигидаги ўзгаришлар мазмун-моҳияти тушунтирилмоқда.

Бундан ташқари, 220 нафардан зиёд малакали ходимлар ҳар кун жойларга чиққан ҳолда тадбиркорлик субъектлари муаммоларини ўрганиб, уларга амалий ёрдам кўрсатишмоқда. Жумладан, тадбиркорлар билан амалий ёрдам кўрсатиш жараёнида пойтахтимизда фаолият қўриётган умумбелгиланган солиқ тўлови тизимига ўтган 3501 та корхонада малакали бухгалтерларга бўлган эҳтиёж мавжудлиги аниқланди. Тадбиркорларлик субъектларининг ишбу муаммоларини ҳал этиш мақсадида шаҳар Бандлик бош бошқармасидан олинган маълумотларга қўра, бугунги кунда 300 нафардан ортиқ таърибали бухгалтерлар бўлиб иш ўринлари бўйича мурожаат қилган.

Эслатиб ўтамиз, корхона ва ташкилот раҳбарлари Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармасининг (78) 140-32-61, (78) 140-32-13 телефон рақамлари орқали мурожаат қилиб, юқори билим ва таърибига эга бўлган бухгалтерлар ҳақида маълумот олишлари мумкин.

Биз сизга кўмаклашишдан мамнунимиз.

**Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси Жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот шўъбаси**

## "ЎЗБЕКИСТОН ЭЛЧИХОНАСИ ЁРДАМИДА ПУЛЛАРИМНИ ҚАЙТАРИБ ОЛДИМ"

**Ўзбекистон Республикаси фуқароси, ҳозирги кунда Россия пойтахти Москва шаҳрида вақтинча истиқомат қилаётган Гўзал Исмолова фирибгарлар қўлга тушиб, 150 минг рубль маблағидан ажралишига бир баҳа қолди. Ўзбекистоннинг Россиядаги Элчихонаси Консуллик бўлими ходимлари унга ўз пулларини қайтариб олишда ёрдам берди.**

– Ўтган йилнинг ноябрь ойида ўзим ишлаётган ташкилот раҳбарияти билан баъзи келишмовчиликларни ҳал қилиш учун адвокат ишим тушди, – дейди Г.Исмолова. – Москва шаҳридаги бир адвокатлик фирмасига мурожаат қилдим. Фирма мен билан шартнома тузиб, сўнгга ўз хизматлари учун олдиндан 150 минг рубль миқдорда нақд пул сўради. Уларга ишониб, 150 минг рубль маблағни уларга олиб бориб топширдим.

Аммо, менга берилган катта ваъдаларга қарамай, фирма томонидан менинг ҳуқуқларимни ҳимоя қилиш учун ҳеч қандай ишлар олиб борилмади. Вақт ўтиб боради, аммо мен пул тўлаган фирма ходимларидан дарак йўқ эди. Ўз маблағимни қайтариб олиш мақсадида фирма жойлашган манзилга бир эмас, бир неча мартаба қатнадим, аммо ҳар сафар мени ичкарига киргизмасдан, ҳайдаб юборишди. Ҳар кун бораган пайларим ҳам бўлди, аммо барча савий-харакатларим зое кетди. Кўнжирокларга умуман жавоб беришмади. Тинмасдан кўнжирок қилганимдан сўнг менинг телефон рақамимни "блоклаб" қўйишди.

Алданганимни билгач, Москвадаги Ўзбекистон Элчихонаси Консуллик бўлимига ёрдам сўраб мурожаат қилдим. Элчихона ходимлари менинг мурожаатимни ўрганиб чиқиб, мен пул тўлаган фирма билан бир неча мартаба музокаралар ўтказишди. Натижада кунларнинг бирида менга кўнжирок қилиб, маблағимни қайтариб олишим мумкинлигини хабар қилишди. Бу мени ниятда қувонтирди, зеро 150 минг рубль катта маблағ (2300 АҚШ долларига тенг), бир ўзим ҳеч қачон ўша фирмидан пулимни қайтариб ололмай, алданиб қолаверар эдим. Дипломатларимизнинг шарофати билан пулимни қайтариб олдим, улардан ниятда миннатдорим!

Элчихона ходимлари доимо ўзбекистонликларга катта ёрдам беришади. Ўз мисолида бунга бевоқифа бўлдим!

**"Дунё" АА Москва**

**Адлия вазирлигида замонавий IT – технологиялари ва рақамли ускуналар билан жиҳозланган Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази тақдироти бўлиб ўтди. Унинг очилиш маросимида парламент аъзолари, суд-ҳуқуқ соҳасининг етакчи вакиллари, турли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, маҳаллий ва хорижий ОАВ, шунингдек, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.**

## ЗАМОНАВИЙ МУЛЬТИМЕДИА МАРКАЗИ ИШ БОШЛАДИ

Тадбирда сўзга чиққан адлия вазири Р.Давлетов ва бошқалар марказнинг имкониятлари ҳақида тўхталиб ўтишди. Айтиш жоизки, Президентимизнинг "Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони билан Адлия вазирлиги олдида қўйилган долзарб вазифалар ижроси доирасида марказ эндиликда ўз фаолиятини мутлақо янги форматда давом эттиради.

Мультимедиа марказида махсус декорацияли ва замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бир нечта студия фаолият юритиб, уларга мамлакатимизнинг етакчи телеканаллари ҳам хавас қилса арзийди.

– Бу ерда ток-шоу ва турли форматдаги дастурларни

суратга олиш мумкин, – дейди Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази раҳбари Аваз Тожионов. – Оммавий ахборот воситалари билан мулоқот қилиш, жумладан юзма-юз интерактив учрашувлар, брифинг ва матбуот аңжуманлари ўтказиш учун махсус медиа майдонлар яратилган. Марказни техник жиҳозлаш – LED экранлар, камералар, ёриткичлар, кўп функцияли овоз ёзиш тизими ва бошқа аппаратура жамоага энг дадил медиа лойиҳаларни амалга ошириш, хусусан ҳужжатли фильмларни суратга олиш имконини беради.

Тадбир давомида меҳмонлар Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази фаолияти билан танишиб, унинг келгуси фаолиятига омад тилашди.

**З.ШАРИФЖОНОВ**

## РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР ТУРИ КўПЯЯДИ

**Барчангизга маълумки 2019 йил "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили" дея эълон қилинди. Бунинг самараси ўлароқ Мирзо Улуғбек туманида 2019 йил бошидан тадбиркорлар ва инвесторларга муайян шароитларни яратиш беришга ва ижтимоий ривожланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Шу жумладан бугун янги лойиҳага қўл ураётган "NKT trans" МЧК "Мирзо Улуғбек кичик саноат зонаси" иштирокчиси ҳисобланиб, 2018 йил 7 мартдаги Тошкент шаҳар ҳокимлиги Маъмурий кенгаши





### Футбол янгиликлари РЕЙТИНГДА ОЛТИ ПОҒОНА ЮҚОРИЛАДИ

**ФИФА томонидан миллий терма жамоаларнинг янги рейтинг жадвали рўйхати эълон қилинди.**

Унга кўра, Эктор Купер бош мураббийлигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоаси 89-поғонага лойиқ кўрилди. Кувонарли томони, аввалги рейтингда 95-поғонани эгаллаган миллий терма жамоамиз бу сафар 6 поғонага юқорилади. Қитъа миқёсида ҳам ўсиш юз берди. Миллий терма жамоамиз Осиёда 14-ўриндан 12-ўринга кўтарилди.

Қитъа бўйича ҳамон Эрон терма жамоаси рейтингда етакчилик қилаётган бўлса, ундан кейинги фахрли 2-3 ўринларда Япония ва Жанубий Корея боришмоқда. Осиёнинг янги чемпиони Қатар эса қитъада 5-ўринда бормоқда.

### МАШҒУЛОТЛАРДАН ХАЛҚАРО ТУРНИРГА

**Юртимизда қизлар футболни ривожлантиришга ҳам жиддий эътибор қаратилаётганлиги кувонарли ҳол.**

Айни кунларда футболчи қизларнинг руҳий, жисмоний ҳолатларини янада яхшилаш, қизлар олимпия

терма жамоамизни халқаро турнирга пухта тайёргарлик кўришларини таъминлаш мақсадида бош мураббий Баҳром Норсафаров етакчилигидаги қизлар олимпия терма жамоамиз Тошкент вилоятида ўқув-машғулот йиғинини ўтказётганидан хабарингиз бор албатта.

Энди Ўзбекистон қизлар олимпия терма жамоамиз Туркияда ташкиллаштирилган халқаро мусобақада омадларини синаб кўришади. 25 февраль – 6 март кунлари уюштирилаётган халқаро мусобақада 8 та жамоа 2 гуруҳга бўлинган ҳолда голиблик учун кураш олиб боради. Қизлар олимпия терма жамоамиз мусобақа голиблигини қўлга киритиш учун гуруҳда Ҳиндистон, Руминия, Туркменистон терма жамоалари қаршиликни енгиши талаб этилади.

Дастлабки ўйинни қизлар олимпия терма жамоамиз 27 февралда Ҳиндистон терма жамоасига қарши ўтказса, 1 март кун руминияликлар билан, 3 март кун туркменистонликлар билан куч синашади.

Мусобақанинг бошқа гуруҳидан Франция, Иордания, Шимолий Ирландия, Қозоғистон ўрин олган.

Биз Баҳром Норсафаров шогирдларига Туркияда ташкил этилаётган халқаро мусобақада омад ёр бўлсин, деб қоламиз.

### МАҲОРАТ МАКТАБИ ВАЗИФАСИНИ ЎТАЙДИ

**Минск шаҳрида футбол бўйича 14 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида ташкиллаштирилган Minsk Cup 2019 халқаро турнири якунига етди.**

Ушбу халқаро турнирда юртимиз шарафини ҳимоя қилган Фарҳод Нишонов бош мураббийли-

гидаги "Пахтакор" академияси тарбияланувчилари чорак финалда Италиянинг "Милан" клубига 0:4 ҳисобида имкониятни бой бериб қўйди. Мусобақанинг 1-турида ёш пахтакорчилар ОЗСМ – 8 жамоасини 4:1 ҳисобида енганди. Кейин "Янтар" устидан 1:0 ҳисобида зафар кучган тошкентликлар Киевнинг "Динамо" клубига 0:1 ҳисобида ютқазиб қўйишганди.

Ушбу халқаро турнир Европанинг номдор клубларига қарши тўп сурган ёш пахтакорчиларга маҳорат мактаби вазифини ўтайди.

### ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВЛАРИ

**"Бунёдкор" футболчилари Вадим Абрамов бош мураббийлигида мавсумга астойдил тайёргарлик кўришмоқда.**

Албатта, Вадим Абрамов асосий эътиборини умидли ёш чарм тўп усталарига қаратмоқда. Бундан ташқари, "Бухоро" шарафини ҳимоя қилган Шавкат Саломов ва Азиз Ибрагимов жорий йилда "қалдирғочлар" сафида тўп суришади.

Шунингдек, "Бунёдкор" бошқа жамоаларга қарши ўртоқлик ўйинларида майдонга тушмоқда. "Андижон"га қарши уюштирилган баҳс Вадим Абрамов шогирдларига 2:1 ҳисобидаги ғалабани тақдир этди. Қозоғистоннинг "Қирон" клубига қарши ўртоқлик ўйинида Азиз Ибрагимов томонидан рақиб дарвозасига киритилган ягона гол "Бунёдкор"га 1:0 ҳисобидаги ғалабани инъом этди.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

### Биласизми?

### ГУРУЧ ҚИММАТБАҲО ДОРИЛАР ЎРНИДА

**Гуруч таркибидаги фойдали моддалар Менделеев жадвалининг нақ ўзини такрорлайди. У айниқса, калий моддасига бой.**

Калий организмга оватқ билан бирга тушган тузнинг зарарли таъсирини камайтиради, юрак, қон-томирлар ишини яхшилабди, асаб тизимини тинчлатирилади.

Бундан ташқари, унда суякларнинг мустаҳкамлигини таъминловчи кальций, фосфор, темир, асаб тизими учун муҳим бўлган рух, йод, мис, селен ҳамда марганец моддалари мавжуд. Витаминлардан А, С, Е, РР, В гуруҳдагилари бисёр. Маълумки, В гуруҳга мансуб дармондорилар асаб тизимини яхшилабди, соч ва тирноқларнинг мустаҳкамлигини таъминлайди. Унда организм учун зарур бўлган саккиз хилдаги аминокислоталар мавжуд. Бошқа бошоқли ўсимликлардан фарқли равишда, гуруч таркибида глютен моддаси йўқ. Глютен – баъзи инсонларда аллергия тасир келтириб чиқариши аниқланган. Гуручнинг ошқозон-ичак хасталиқларига чалинган беморлар хотиржам истеъмол қилишлари мумкин. Гастрит, ошқозон-ичак ва ўн икки бармоқ ярасидан азият чекадиганлар учун ҳам фойдали. Унинг қайнатмаси дизрея (ичкетар), дизентерия (ичбуруғ) касалликларига яхши ёрдам беради, келпаги қайнатиб ичилса ичак саратонининг олдини олади.

Табобатда гуруч ангина, грипп, зотилжам каби касалликларни даволашда терлатувчи, организмда захарли хилларни чиқарувчи, иситмада тана ҳароратини пасайтирувчи восита сифатида қўлланилади. Бунинг учун ярим пиёла гуручга бир ярим пиёла совуқ сув қўйиб, 1-2 янрок қалампир, ялпиз, бир дон майда тўғралган оқ пивёз қўшилиди ва паст оловда 10 дақиқа қайнатилди. Бу дамламани инган бемор маълум вақт қилин ўраниб ётиши керак.

Гуручнинг ун ёрдамида сепкил ва қора доғлар-

ни йўқотиш мумкин. Бунинг учун қовун шарбати гуруч унидан қўшиб аралаштирилади ва ҳар кун кечкурун юз терисига суртилади. Тананинг лат еган, шилган, хашарот чакдан жойларига гуруч унни тиббий спирт билан аралаштириб қўйлади. Гуруч иштаҳа очувчи, чанқоқ қолдирувчи таъсирга ҳам эга. Дамламаси буйрак ва сийдик пуфаги муаммоларида қўл келади. Шарқ табибларининг фикрича, товоқларнинг териси дағаллашиб, тез-тез қадоқлар пайдо бўлиши – умуртка поғонасининг у ёки бу қисмида туз йиғилишидан дарак экан. Остеохондроз касаллигидан кўнчилик азият чекади. Бундай ҳолда қимматбаҳо дорилар ўрнини деярли ҳар кун истеъмол қилинадиган гуруч махсулоти бемалол босар экан. Неча ёшда бўлсангиз, айнан шунча ошқошқ гуруччи ун литри банкага солиб устига олдидан қайнатиб совутилган сув қўйлади ва музлаткича қўйлади. Ҳар кун но-нуштага бир ошқошқ гуруч олиб сувда пишириб истеъмол қиласиз. Муолажанинг бир шарт бор: гуручли бўткани эрталабки соат еттигача тановул қилиш ва икки соатгача ҳеч нарса емаслик лозим. Мазкур муолажанинг ёшартирувчи хусусияти ҳам бор. Бир пиёла микдордаги гуруч тўрт кун давомида совуқ сувга ивитиб қўйлади (сув ҳар кун алмаштириб турилади). Бешинчи кун гуруччи олиб бўтқа ҳолига келгунча зизилади. Устига ярим стакан совуқ сув қўйлади, беш дақиқа тиндиргандан кейин 2-3 марта чайлади. Қайилган сувни тиндириб, идиш тағдида қолган оқ қатлам ликопчага солиб қуритилди. Натижада гуруччи уна тайёр бўлади. Бу шунбузар тошганда, майда ажинларда чандилик терини парвартириш учун тавсия этилади.

Н.ЖАЛИЛОВА тайёрлади

### "102": воқеалар, ҳодисалар

### ПОРА БЕРАЁТГАНИДА ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Учтепа тумани Ички ишлар органи фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси 7-сонли ИИБ ходими Тошкент шаҳар ИИББ раҳбариятига билдирги билан муружаат қилиб, унда Фарғона вилояти Марғилон шаҳрида яшовчи И.Б. ва бошқа шахслар билан бирга 2018 йил октябрь ҳамда ноябрь ойларида "Silk Road Industry" МЧЖ раҳбари Ф.К. ларни умумий қиймати 244 млн. сўмлик "Libera" номли болалар тагликларини келгусида савдо тушумидан тушган пулдан бериш шар-

ти билан олиб, алдаш йўли билан ишончига кириб, болалар тагликларини сотиб юбориб, пуллари ўз эъти-ёжлари учун ишлатиб юборганлигини, ҳолат юзасидан терговга қадар текшириш ҳаракатларини олиб бораётганини, И.Б. унга текширув ҳужжатларини фойдасига ҳал қилиб бериш эвазига пора сифатида 2000 АҚШ долларини тақдир этганини маълум қилган.

Ушбу билдирги юзасидан 2 февраль кун ИИБ

Республикаси ИИБ Ўз хавфсизлиги бошқармаси Тошкент шаҳар бўлими, Учтепа тумани прокуратураси ва Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти туман бўлими ходимлари ҳамкорлигида ўтказилган тадбир натижасида И.Б. пора сифатида 1500 АҚШ долларини ходимнинг хизмат хонасида бераётганида тадбир иштирокчилари томонидан ушланган. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

### ОТАСИГА ҚЎЛ КЎТАРИБ, УМРИГА ЗОМИН БЎЛДИ

Учтепа тумани, Тақачи кўчасида яшовчи С.Б. уйда ўзаро жанжал туфайли бирга яшаган отасининг турли жойларига қўллари билан уриб жароҳат етказган.

Натижада ота касалхонага ётқизил-

ган ва кўрсатилган тиббий муолажаларга қарамай 2 февраль кун вафот этган. С.Б. қўлга олинди. Ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

### БЕЗОРИЛАР УШЛАНДИ

2018 йилнинг 26 ноябрь кун Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур тумани Алишер Навоий кўчасида жойлашган "Pablo" қаҳвахонаси олдида маълум шахслар безорилик сабаб, Мирзо Улуғбек туманида яшовчи М.Х. ва Бухоро шаҳрида яшовчи И.С. ларни бош ва юз қисмларига уриб-тепиб, М.Х. га ўткир тигли жисм билан жароҳат етказиб, воқеа жойидан яширинганлар.

Натижада М.Х. ва И.С. лар касалхонага ётқизилиб, ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилган эди. Қўрилган чоралар натижасида ушбу жиноятни содир этган барча шахслар аниқланиб, қўлга олинди. Тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармаси хабарлари асосида тайёрланди

### РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Озодлик кўчаси, 20-уй эгаси Мирзаева Тойди Барамбаевна номига Юнусобод тумани кадастр хизмати томонидан берилган ўл план кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, ҳозирги Чилтўғон кўчаси, (аввалги М.Маджонов кўчаси) 2а-уй эгаси Искандаров Шарипходжа номига Олмазор тумани кадастр хизмати томонидан берилган ўл план кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Шайхонтоҳур тумани "Ягона дарча" маркази томонидан 02.03.2017 йилда № 009940-09 реестр рўйхат рақами билан рўйхатдан ўтган "MERLION BURGER" оилавий корхонаси (СТПР 304704837), почта манзили: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Есенин кўчаси, 1А-уй, 9-хонадон. Таъсисчиларнинг 05.02.2019 йилдаги № 1-сонли Баённомасига асосан **ТУГАТИЛАДИ**

Даво ва аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой ичида қуйидаги телефон рақами: 71 273-89-51 орқали қабул қилинади.


### РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 11.06.2018 йилда № 615359 реестр рақам билан рўйхатдан ўтган "HUMOYUN TRANS" МЧЖ (СТПР 305597994) таъсисчиларнинг 5.02.2019 йилдаги № 1-сонли қарорига асосан **ТУГАТИЛАДИ**

Даволар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддат ичида М.Улуғбек тумани, Феруза кўчаси, 2-уй манзилида қабул қилинади. Тел: +99899 804-98-84.

Тошкент шаҳри, Олмазор тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 18.05.2016 йилда № 009037-05 реестр рақам билан рўйхатдан ўтган "INTERPROIMPEX" МЧЖ (СТПР 207091051) таъсисчиларнинг 05.02.2019 йилдаги № 1-сонли қарорига асосан **ТУГАТИЛАДИ**

Даволар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддат ичида Олмазор тумани, Уста Ширин кўчаси, 134/4 манзилида қабул қилинади. Тел: +99891 162-18-85.



### МОЗИЙГА ҚАЙТИБ ИШ КЎРМОҚ ХАЙРИДИР

Нодонга гап уқтиргунча эсинг кетади.

Худбин ўзидан ўзгани севолмайди.

Хижолат билан ейилган зиёфат татимайди.

Ақл – совуққон, кўнгил – қизиққон.

Ишлаганга иш қайнаб чиқаверади.

Ишлаганга иш кўп, Ишламаганга иш йўқ.

Ўзингни мажбурламасанг, ҳеч нарсага эришолмайсан.

Бир қарга билан қиш келмас.

Тез-тез келган меҳмоннинг қадри бўлмайди.

Оилавий муаммолар ҳаммада ҳам бор.

Фақат ҳамма ҳам уни ошкор қилмайди.

Ўзини асрамаганнинг боши дарддан чиқмайди.

Қарилкни бўйнингга олма, Ғам-кулфатга ўзингни солма.

Содда кўринган муттаҳамдан кўрк.

Қилинган меҳнат бир кун рўёбга чиқади.

Ҳар ким ўз даражасидан келиб чиқиб фикрлайди.

Агарда қилсанг сабр, Сенга ҳам келар давр.

Ҳавас қилувчи кам, ҳасад қилувчи кўп.

Ишлайдиган одам ҳамма жойга ҳам керак.

Иши битгандан гина қилма.

Ким нима иш қилишни билмайди, ким қайси ишни қилишини.

Сонда бору санокда йўқ.

Ҳавою ҳавас Қилар сени маст.

Шошиб қилинган ишдан кўпинча ўзинг ҳам уялиб юрасан.

Рух енгил бўлса, жисм чарчамайди.

**ЎЗГИДРОМЕТ**  
ХАБАР ҚИЛАДИ  
Тошкент шаҳрида 8 февраль кун ҳаво ўзгариш турари, кечаси ва эрталаб туман тушиши эҳтимоли бор. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси – 2-4 даража совуқ, кундузи – 5-7 даража ишқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 8 февралда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратилди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.